



2015 у.г. «25» декабрь

№ 1829-К

Самарканд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини Самарканд Марказий Ўрмон хўжалиги ҳудудидан фуқаро Файзуллаев Сайфуллога ўз ҳудудидан чет эл технологияси асосида муқобил ёқилгилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баёни, Қишлоққурилишлойиҳа" бош лойиҳа қидирув институтининг 2015 йил 7 октябрдаги 10-15/36-579 сонли баёни, Самарканд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кумитасининг 2015 йил 19 июндаги 820-сонли хулосаси, Самарканд туман ҳокимининг 2014 йил 10 апрелдаги 485-К сонли қарори, фуқаро Файзуллаев Сайфуллонинг туман ҳокими томонидан ёзган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш шартномасининг инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш шартномаси тасдиқлансин.

2. Самарканд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Самарканд Марказий Ўрмон хўжалиги ер харитасининг 12 контуридан фуқаро Файзуллаев Сайфуллога ўз ҳудудидан чет эл технологияси асосида муқобил ёқилгилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун жами 3,0 га (шундан: 3,0 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров